

Давлат статистика қўмитаси томонидан ўтказилган сўровнома натижаси бўйича маълумот


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори билан тасдиқланган “2020 – 2025 йилларда статистикани ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 11.4-бандига мувофиқ Давлат статистика қўмитасига мунтазам равишда фойдаланувчиларнинг статистик маълумотлардан қониқиш даражасини ўрганиш юзасидан сўровлар ўтказиш вазифаси юклатилган.

Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Давлат статистика қўмитаси томонидан тақдим этилаётган статистик маълумотлардан фойдаланувчиларнинг қониқиш даражасини баҳолаш бўйича сўровнома ўтказилди.


Мазкур сўровнома 2022 йилнинг 1 июлида бошланиб 30 сентябрь санасида яқунланди. Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра сўровномада жами **116 нафар** фойдаланувчи қатнашган бўлиб, улар саволномага киритилган саволларга жавоб беришган ҳамда статистик маълумотлар сифатини ошириш ва умуман давлат статистика тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларни қолдиришган.

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, саволларга иштирокчилар жавоб вариантлари бўйича қуйидагича жавоб беришган (жами иштирокчилар сонига нисбатан, % ҳисобида):


1-Савол. Сиз қайси турдаги фойдаланувчилар сафига кирасиз?




2-Савол. Расмий статистика маълумотларини қанчалик тез-тез ишлатасиз?



3-Савол. Расмий статистика маълумотларидан қандай мақсадларда фойдаланасиз?



4-Савол. Сизни статистиканинг қайси соҳалари кўпроқ қизиқтиради?



5-Савол. Расмий статистика маълумотларини қандай оласиз?



6-Савол. Статистик маълумотларнинг қайси шаклда тақдим этилишини афзал кўрасиз?



Шунингдек, статистика идораларининг фаолиятига боғлиқ бўлган асосий мезонлар бўйича Давлат статистика қўмитаси тизимида куйидагича баҳолар берилган:

Т/р	Мезонлар	Фойдаланувчилар томонидан берилган баллар (жамига нисбатан, фоизда) 1 балл - паст баҳо, 5 балл - юқори баҳо				
		1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
1	Маълумотларнинг долзарблиги, эҳтиёжга мувофиқлиги	2,2	0,0	12,2	30,0	55,6
2	Маълумотлардан фойдаланишнинг қулайлиги	2,8	0,9	8,3	38,0	50,0
3	Маълумотларнинг ўз вақтида эълон қилиниши	2,1	3,1	39,6	22,9	32,3

9. Охирги 12 ойда давлат статистика органларига сўров билан мурожаат қилдингизми?" саволига "Ҳа" жавобини белгилаган фойдаланувчилар бўйича жавоблар (1 балл - паст баҳо, 5 балл - юқори баҳо)

Т/р	Саволлар	1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
9.1	Маълумотларнинг сўровингиз талабига мувофиқлиги	0,0	7,9	10,5	63,2	18,4
9.2	Сўровингизга ўз вақтида жавоб берилганлиги	0,0	8,3	0,0	5,6	86,1
9.3	Хизмат кўрсатиш сифати (ходимлар малакаси, хушмуомалалик ва б.)	2,7	2,7	75,7	0,0	18,9